



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sobirovna, Dilorom Kosimova, and Adashev Azimjon O'rinboyevich. "Directions for increasing product competitiveness in industrial enterprises." Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 8.7 (2019): 29-35.
2. Tajibayev, Imalatdin. "MENEJMENT NAZARIYASINI O'RGANISH VA TAHLIL." Oriental Art and Culture 3.2 (2022): 324-331.
3. Ishmanova, D. N. "PARAMETERS FOR ASSESSING THE COMPETITIVENESS OF THE OIL AND GAS INDUSTRY." International journal of conference series on education and social sciences (Online). Vol. 2. No. 1. 2022.
4. Banking, Islamic. "Conflict of Laws in the European Community, D Lasok & P A Stone, 460 pp., Abing-don, Oxon., Professional Books Ltd., 1987, £ 26.50 p. Civil Jurisdiction and Enforcement of Foreign Judgments, Peter Kaye, 1,949 pp., Abing-don, Oxon., Professional Books Ltd., 1987, £ 95. The Charter of the Islamic Conference, Hasan Moinuddin, 322 pp., Oxford, Clarendon."
5. Kucharov, Abrorzhon S., Elvira A. Kamalova, and Dinora Nurmamad. "7 State Regulation of Competitive Relations." New Institutions for Socio-Economic Development: The Change of Paradigm from Rationality and Stability to Responsibility and Dynamism 5 (2021): 63.
6. Хўжаев, Фазлиддин Элмуродович. "БУХОРО ВИЛОЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ." Иқтисодийда инновация 10.3 (2020).
7. Маҳмудова, Нозимахон Баҳриддинхонова. "ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ МОҲИЯТИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИ." EDITORIAL BOARD (2022): 182.
8. Абдуллаева, М. (2020). Теоретические аспекты определения, развития цифровой экономики и её зарождение в Республике Узбекистан. in Library, 20(3), 21-27. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/8759>

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Б.Шакирова,

Доцент,

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация. Ушбу мақолада инновацион фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорликни ривожлантиришда солиқларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Республикада инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари кам ўрганилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, "инновация" тушунчаси XX асрнинг 30-йилларида



дастлаб австриялик (кейинчалик америкалик) олим Й.Шумпетер томонидан илмий адабиётларга киритилган бўлиб, у иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили бу – инновациялар эканлигини таъкидлаб ўтган.

Калит сўзлар: *инновациялар, тадбиркорлик, солиқлар, технологиялар, бизнес муҳит.*

Фикримизча, ўз фаолиятига доимий равишда инновациялар, яъни янгиликлар, ихтиролар, янги технологиялар, техникалар, бошқариш ва меҳнатни ташкил этишга замонавий тизимларни киритиб, амалиётга татбиқ этиб борадиган фаол тадбиркоргина инқироз домига тушиш ва банкрот бўлиш хавфидан холи бўлади. П.Дракернинг таъкидлашича, “тадбиркорларни инновацион фикр юритиш билан фарқлашади. Инновацияга эга бўлиш тадбиркорликнинг асосий қуролидир”.

“Инновация – инсоннинг ақл-заковати, ишлаб чиқариш тажрибаси негизида яратилган, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, айтилиб келинган вақтда, иқтисодий-ижтимоий самара келтираётган интеллектуал мулк кўринишидаги янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар, ғоялар ва янги ёндашувлар мажмуасидир”. Агар инновацион ғоя яратилса-да, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмаса, ўзининг иқтисодий нафлигини исботламаса, инновация ҳисобланмайди. Яратилган инновациялар тижоратлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилиб, иқтисодий-ижтимоий самара бергандагина уларни инновациялар деб ҳисоблаш мумкин

Инновацион тадбиркорлик – мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янги ғояларни тадқиқ қилиш ва изланиш асосида янгиларига жорий этиш жараёни. Кўриниб турибдики, иқтисодий инновацион муносабатларнинг субъектларига интеллектуал жиҳатдан катта масъулият ва таваккал юкланади, ушбу масъулият ва рискнинг самарали бўлиши учун мамлакатда бизнес муҳит муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “фаол тадбиркорлик” ва “фаол тадбиркор” тушунчаларига берган таърифи диққатга сазовор. Ш.М. Мирзиёев “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий фаолиятдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз”, деб таъкидлади.

Корхона мавжуд бизнес муҳитдан оқилона фойдаланган инновацион фаолиятни ташкил этади, корхона бизнес муҳитнинг стратегик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг келажак стратегиясини ишлаб чиқади, стратегия асосида корхона иқтисодий-интеллектуал

Ҳолатларини реализация қилиш эвазига қўшимча фойда олади. Бизнес муҳит омилларининг инновацион тадбиркорликка боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. Бизнес муҳит ва инновацион тадбиркорликнинг ўзаро боғлиқлиги

1-расмдан кўриниб турибдики, мамлакатдаги бизнес муҳит инновацион фаолиятини вужудга келтирувчи муҳим иқтисодий механизмлардан ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга таяниб, мамлакатда бизнес муҳит инновацион тадбиркорликка:

– корхонада инновацион жараёнларни жорий этиш ва мавжуд захираларни ишга тушириш;

– корхонада инновацион ғояларни амалга ошириш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид ички ва ташқи ҳамкорлар билан шартномалар тузиш;

– инновацион ғояларни амалга ошириш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича молиявий ҳамкорларни топиш ва венчур фондлари маблағларидан фойдаланиш каби қатор имкониятларни беради.

Миллий инновация тизимни шакллантириш концепцияси ўтган асрнинг 1980-йиллар бошидан ривожлана бошлади. Бунда “миллий” сўзи айнан “давлат” инновация тизими деган мазмунни англатади.

Бизнингча, мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсати нафақат инновацион ривожланишга, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам тўғридан-тўғри таъсир этадиган асосий иқтисодий дастаклардан бири ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда амал қилиб турган солиқ ставкалари, солиқ юки миллий товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва хорижий инвесторларнинг фаолиятига тез таъсир



қиладиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Агар иқтисодиётда солиқ ставкалари паст, солиқ юки эса босқичма-босқич пасайтириб борилаётган бўлса, бундай шароитда тадбиркорликка кенг йўл очилади, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошади ва бу омиллар мамлакатда иқтисодий фаолликка, жадал суръатлар билан ривожланишга тегишли шарт-шароит яратади. Юртимизда олиб борилаётган оқилона макроиқтисодий сиёсат ва унинг энг таъсирчан, муҳим йўналиши бўлган солиққа тортиш масалаларида ҳам устуворлик товар ва хизмат ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлик субъектлари манфаатига берилмоқда. Охирги йиллардаги солиқ ставкалари бўйича ижобий ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларга эътибор берамиз (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистонда 1992 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда
солиқ тўлови ставкаларининг ўзгариши.**

Солиқ турлари	1992-2009 йиллардаги энг юқори солиқ ставкалари	2010 йилда ўрнатилган ставкалар	2021 йилда ўрнатилган ставкалар	Пасайиш
Қўшимча қиймат солиғи	30 фоиз	20 фоиз	15 фоиз	2 баробар
Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи	45 фоиз	9 фоиз	15 фоиз	3 баробар
Юридик шахслар учун мулк солиғи	5 фоиз	3,5 фоиз	2 фоиз	2,5 баробар
Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2 фоиз	7,0 фоиз	4 фоиз	3,8 баробар
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	60 фоизгача	22 фоизгача	12 фоиз	5 баробар
Ягона ижтимоий тўлов	40 фоиз	25 фоиз	12 фоиз	3,3 баробар

Жадвал кўрсатадики, таҳлил учун олинган даврларда истеъмол талаби ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида қўшимча қиймат солиғи ставкаси 30 фоиздан 15 фоизга туширилди ва 2 баробарга пасайтирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ягона солиқ тўлови ставкаси ялпи тушумнинг 2005



йилдаги 15,2 фоиздан 5 фоиздан 3,5 фоизга, 2021 йилда 4 фоизга туширилди ва 3,8 баробарга камайтирилди. Мустақиллик йилларида юридик шахслар даромад солиғи ставкасининг пасайтирилиши корхона ва ташкилотларнинг оборот маблағини тўлдиришга, моддий-техника базасини мустақамлашга ижобий хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, муайян солиқ тури ставкасининг пасайиши алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Масалан, ягона ижтимоий тўлов, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаларининг камайиши ишлайдиган ишчи-ходимлар ва аҳоли даромадларининг муттасил ошиб боришига ҳамда уларни янада кучли ижтимоий муҳофаза қилишга хизмат қилади ижобий таъсир кўрсатади. Бундай самарали солиқ сиёсати натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрига мажбурий тарзда тўланиши лозим бўлган маблағларнинг қолдирилганлиги уларга давлат томонидан кўрсатилган ғамхўрлик ва уларни қўллаб-қувватланишнинг аниқ кўринишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983. С. 278-285.
2. Дракер П.Ф. Инновации и предпринимательство. – М: 1992. – С. 234.
3. Шадиева Г.М., Шакирова Ф.Б. Иқтисодиётни рақамлаштиришга трансформациялашувда интеллектуал мулкни расмийлаштиришнинг айрим масалалари – Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил, 5-сон, 383-бет
4. Дергунов А.И. Системный подход к развитию национальной инновационной среды // Инновации, -№3. -2008. – С. 53-56.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. б.20.
6. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш / ЎзФА, А.Ф. Расулевнинг таҳрири остида.-Т.; KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.-77-б.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдулазиз Темиров,

и.ф.н., доцент,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада муаллиф томонидан тижорат банкларининг иқтисодиётдаги ўрни ва роли очиб берилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги давлатнинг улуши тўғрисида маълумот келтирилди. Корпоратив бошқарувнинг умумий тушунчаси аниқланди ва банкларда корпоратив бошқарувнинг ўзига хос томонлари ўрганилди.